

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИLMИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/27.02.2020.B.01.15 РАҚАМЛИ ИLMИЙ  
КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИLMИЙ КЕНГАШ**

---

**«ЎЗДАВЕРЛОЙИХА» ДАВЛАТ ИLMИЙ-ЛОЙИХАЛАШ ИНСТИТУТИ**

**РУЗМЕТОВ МАКСУД ИСМОИЛОВИЧ**

**ЯЙЛОВ ЕРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ  
ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**03.00.13-«Тупроқшунослик»  
06.01.10-«Ер тузиш, кадастр ва ер мониторинги»**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2021**

УЎК: 631.6:631.4; 631.452; 332:631:632

**Қишлоқ хўжалик фанлари бўйича фан доктори (DSc)  
диссертация автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертация доктора наук (DSc)  
по сельскохозяйственной наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of sciences (DSc)  
on agricultural sciences**

<b>Рузметов Максуд Исмоилович</b> Яйлов ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари .....	3
<b>Рузметов Максуд Исмоилович</b> Пути повышения эффективности использования пастбищ .....	31
<b>Ruzmetov Maksud Ismoilovich</b> Ways to improve the efficiency of the use of pasture lands .....	59
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	63

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИLMИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/27.02.2020.B.01.15 РАҚАМЛИ ИLMИЙ  
КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИLMИЙ КЕНГАШ**

---

**«ЎЗДАВЕРЛОЙИХА» ДАВЛАТ ИLMИЙ-ЛОЙИХАЛАШ ИНСТИТУТИ**

**РУЗМЕТОВ МАКСУД ИСМОИЛОВИЧ**

**ЯЙЛОВ ЕРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ  
ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**03.00.13-«Тупроқшунослик»  
06.01.10-«Ер тузиш, кадастр ва ер мониторинги»**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.DSc/Qx138 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертация «Ўздаверлойиҳа» давлат илмий-лойиҳалаш институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.nuu.uz](http://www.nuu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Расмий оппонентлар:**

**Юлдашов Гулом**

қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор

**Қурвонтаев Раҳмонтой**

қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор

**Набиева Гулчехра Мирэргашовна**

биология фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/27.02.2020.B.01.15 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси 4-уй, Ўзбекистон Миллий университетининг Биология факультети биноси, 2-қават, 203-хона. Тел.:(+99871)2466772).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси 4-уй, Тел.:(99871-246-67-72)

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).



**Шеримбетов Санжар Гулмирзоевич**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
Илмий кенгаш раиси, биология фанлари  
доктори, профессор

**Аллабердиев Рустамжон Ҳамраевич**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
Илмий кенгаш котиби, биология  
фанлари номзоди, доцент

**Жаббаров Зарафжон Абдукаримович**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, биология фанлари доктори,  
профессор

## **КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда «дунё экотизимида табиий биохилма-хилликнинг бузилиши ва сув ресурсларининг камайишидан кейинги энг жиддий хавфлардан бири бу яйлов ерларидан нооқилона фойдаланиш ҳисобланади. Яйловлар ер шари куруклик қисмининг 25 фоизини<sup>1</sup> ишғол этади. Осиёда жаҳоннинг ўтлоқ ва яйловлар билан қопланган майдонларига нисбатан 18,2% (678,5 млн га)ни, Европада ҳудуднинг умумий майдонига нисбатан 18% (84,0 млн га)ни, Африканинг қурғоқчил минтақаларида эса (ушбу материкнинг умумий майдонига нисбатан) 66% ни<sup>2</sup> ташкил этади». Шу сабабли яйлов ерларидаги деградация жараёнларни олдини олиш, яйловлар маҳсулдорлигини тиклаш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёнинг турли иқлим шароитларида тарқалган тоғ, тоғолди (адир) ва чўл яйловларининг табиий-антропоген омиллар таъсирида ўзгаришини аниқлаш, уларни сақлаш, тупроқлар унумдорлигини ошириш, яйловлар ўсимлик дунёсини сақлаш ва экологик барқарорлигини тиклаш ҳамда яйловлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган устувор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада тоғ, тоғолди ва чўл яйловларидан самарали фойдаланишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда 21,1 млн гектар яйловлар (46,5%) мавжуд, сўнги 35-40 йил давомида яйлов ўсимликлари сони ва ҳажми камайиб, 78 фоиз майдон деградацияга учраган. Республикамизда тоғ, тоғолди ва чўл яйловлари тупроқларнинг ҳозирги ҳолатини аниқлаш, деградация жараёнларини олдини олиш, маҳсулдорлигини ошириш, яйловларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича кенг қамровли илмий-тадқиқотлар олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, глобал иқлим ўзгаришининг қишлоқ хўжалиги ривожланишига салбий таъсирини юмшатиш»<sup>3</sup> муҳим стратегик вазифалар сифатида белгилаб берилган. Шу сабабли республикамиз қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришда тоғолди ва чўл яйловларида геоботаник тадқиқотларини юритиш, ҳудуд табиий-иқлим шароитларида деградацияга учраган яйловларда фойдаланиш самарадорлигини оширишда янги агротехнологияларни қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

<sup>1</sup> <http://www.un.org/russian/ga/unep>.

<sup>2</sup> <https://geo.bsu.by/images/pres/physgeo/physgeoworld18.pdf>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 21 майда қабул қилинган «Яйловлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 28 февралдаги ПҚ-4575-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2020 йил 11 декабрдаги ПҚ-4919-сон «Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 апрелдаги 299-сон «Маъмурий ҳудудлар бирликлар чегарасини белгилаш, ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ҳамда яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотларни ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш» тўғрисидаги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳитни муҳофазаси» устувор йўналиш доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.**

Яйлов ерлари деградациясини олдини олиш, улар маҳсулдорлигини ошириш ва самарали фойдаланиш бўйича изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари жумладан, <sup>4</sup>Chinese Academy of Sciences, China National Environmental Monitoring Center (Хитой), Texas A&M University (АҚШ), University Tsukuba, University Kyoto (Япония), Higher Institute of Environmental Sciences and Technologies (Тунис), Global Environment Facility (GEF), Global Forum on Agricultural Research (GFAR), International Center for Biosaline Agriculture (ICBA), International Center for Agricultural Research in the Dry Areas (ICARDA), Central Asian Countries Initiative for Land Management (CACILM), United Nations Development Programme (UNDP), Gesellschaft für Internationale Zusammenarbeit (GIZ) ҳамда В.В.Докучаев номидаги Тупроқшунослик институти (Россия), Қоракўлчилик ва чўл экологияси ҳамда Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтлари (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Глобал иқлим ўзгариши шароитида яйловлар бўйича жаҳонда олиб борилган илмий-тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий натижалар олинган: мавжуд ресурслардан самарасиз фойдаланиш туфайли яйловларнинг деградацияга учраш ҳолатлари аниқланган (Chinese Academy of Sciences, China National Environmental Monitoring Center, Higher Institute of Environmental Sciences and Technologies); яйлов тупроқлари ҳолати ва уларни қайта тиклаш

---

<sup>4</sup> [www.k-state.edu/economics/aals](http://www.k-state.edu/economics/aals); [www.cgiar.org](http://www.cgiar.org); [www.biosaline.org](http://www.biosaline.org); [www.abd.org](http://www.abd.org)

ҳамда ГАТ мониторинг кузатувларини қўллаш технологиялари такомиллаштирилган (University Tsukuba, В.В.Докучаев номидаги Тупроқшунослик институти); яйлов шароитида тупроқларнинг ҳолати, чўлланиш омиллари ва антропогенезнинг деградацияга учраш жараёнлари аниқланган (Texas A&M University, International Center for Biosaline Agriculture, International Center for Agricultural Research in the Dry Areas); яйловларнинг замонавий ҳолатини аниқлаш ва ГАТ технологияларидан фойдаланишда ерни масофадан туриб зондлаш бўйича ишланмалар яратилган (University Kyoto,); иқлим ўзгаришларига мослашиш, тупроқларнинг деградациясига қарши кураш технологиялари такомиллаштирилган (Global Environment Facility, Global Forum on Agricultural Research); биохилма-хилликни қайта тиклаш, ем-ҳашак экинлари маҳсулдорлиги, ушбу тупроқларнинг унумдорлигини ошириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган (Central Asian Countries Initiative for Land Management).

Бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида яйлов ерларининг деградацияга учраши ва уларни қайта тиклаш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: жумладан, яйловлар биохилма-хиллигини аниқлаш; яйловлар деградациясига сабаб бўлувчи омилларни олдини олиш ва оқибатларини юмшатиш; яйлов ерлари тупроқларнинг унумдорлигини ва геоботаник ҳолатини баҳолаш; қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш орқали яйлов ерларини сув билан барқарор таъминланишига эришиш; иқлим ўзгаришларига нисбатан агросферанинг мослашиши ва яйловларни қайта тиклаш технологияларини такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунёнинг турли минтақаларида ва мамалакатимизда қишлоқ хўжалик ерлари, хусусан яйловлардан самарали фойдаланиш бўйича бир қатор илмий-тадқиқот ишлари республика ва хорижлик олимлар С.Н.Волков, А.А.Варламов, Я.М.Мауль, З.Б.Новицкий, К.В.Папенев, Н.А.Аимбетов, Т.Х.Фарманов, С.А.Авезбаев, А.С.Чертовицкий, А.Х.Мухторов, Ш.К.Нарбаев, Н.А.Бобоқулов, А.Е.Тангиоров, Т.У.Рахимова, Т.Т.Рахимова, Б.Адилов, Ҳ.Шомуродов, Fan Lianlian, LI Kaihui, MA Xuexi, LI Yaoming, Douglas Ramsey, А.Р.Раббимов, С.Ю.Юсупов, Т.Х.Мукимов, А.У.Умироқов, Б.Т.Шодиев, М.М.Махмудов, Р.Қўзиев, Г.Юлдашев, Л.А.Гафурова, Н.Ю.Абдурахмонов, Г.М.Набиева, Н.Ч.Намозов, М.А.Мазиров, С.А.Маматов кабилар томонидан олиб борилган. Лекин, Ўзбекистоннинг тоғ, тоғолди ва чўл яйлов ерларининг тупроқ ва геоботаник тадқиқотлар, гидрометеорологик маълумотлари асосида қишлоқ хўжалиги экинлари ва дарахтларини тўғри жойлаштириш ҳамда етиштириш қаратилган илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти «Ўздаверлойиха» давлат илмий-лойиҳалаш институти илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 апрелдаги 299-сон «Маъмурий ҳудудлар бирликлар чегарасини белгилаш, ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ҳамда

яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотларни ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори доирасида (2018-2020 йй.) бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тоғ ва тоғолди ҳамда чўл-яйлов ҳудудларининг тупроқ унумдорлигини ва геоботаник ҳолатини аниқлаш орқали яйлов ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тоғ, тоғолди ва чўл яйлов ерлари тупроқларининг минтақавий ўзига хос морфогенетик хосса ва хусусиятларини аниқлаш;

Тошкент, Жиззах, Сурхондарё вилоятларидаги тоғ, тоғолди ва Бухоро вилоятидаги чўл-яйлов ҳудудларида геоботаник тадқиқотларни ўтказиш;

яйлов ерлари тупроқлар унумдорлигини ва геоботаник ҳолатини баҳолаш ҳамда яйловларда кечаётган деградация жараёнларини аниқлаш;

тоғ, тоғолди яйловларининг 1:25 000 ҳамда чўл-яйловларининг 1:100 000 масштабли электрон рақамли «Геоботаник харита»ларини яратиш;

яйлов ҳудудларининг тупроқ, геоботаник ва гидрометрологик маълумотлари асосида 1:750 000 масштабли «Ўзбекистон Республикаси тоғ, тоғолди ва чўл-яйлов ерларида қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш, боғ-узумзор, ўрмон-мевали дарахтларни барпо этиш мумкин бўлган ҳудудлар харитаси»ни тузиш;

тоғ, тоғолди ва чўл яйловларидан танланган пилот майдончаларда «Water-box» сув йиғиш қурилмасини қўллаш, қишлоқ хўжалиги экинларини ва мевали дарахт кўчатларини экиш, яйлов ерларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида республиканинг Наманган, Тошкент, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий ва Бухоро вилоятларидаги қўриқ тоғ жигарранг, тўқ тусли бўз, типик бўз ва оч тусли бўз тупроқлар ҳамда Тошкент, Жиззах, Сурхондарё ва Бухоро вилоятларининг тоғ, тоғолди ва чўл яйлов ерлари хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг предмети** яйлов тупроқларининг морфогенетик хосса ва хусусиятлари, геоботаник ҳолати, «Water-box» сув йиғиш қурилмаси, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш, боғ-узумзор, ўрмон-мевали дарахтларни барпо этиш орқали яйлов ерларидан самарали фойдаланиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотларни бажаришда солиштирма, генетик-географик ва кимёвий-аналитик услублардан фойдаланилган. Тупроқшуносликда умумқабул қилинган услубий қўлланмалар [2004; 260-б.], геоботаник тадқиқотлар «Ўзбекистоннинг табиий яйлов ва пичанзорларида геоботаник тадқиқотлар ўтказиш бўйича услубий қўлланма» [2018; 160-б.], «Общесоюзная инструкция по проведению геоботанических обследований природных кормовых угодий и составлению крупномасштабных геоботанических карт» [1984; 105-б.], «Давлат ер кадастрини юритиш учун тупроқ тадқиқотларини бажариш ва тупроқ хариталарини тузиш бўйича йўриқнома» [2013; 48-б.], Н.Ю.Абдурахмонов томонидан лалми тупроқлар унумдорлигини баҳолаш бўйича таклиф этилган шкала [2019; 69-б.] асосида

яйлов ерлари тупроқлари унумдорлигини баҳолаш ишлари амалга оширилган. Олинган маълумотлар Б.А.Доспехов тенгламаси [1985; 351-б.] ва Microsoft Excel дастури ёрдамида математик-статистик таҳлил қилинган, «Сув йиғиш қурилмаси» ёрдамида яйлов ва лалми ҳудудларда боғ барпо этишнинг иқтисодий самарадорлиги ҳисобланган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

бўз тупроқлар минтақасида тарқалган яйлов ерларининг унумдорлиги қиёсий баҳоланган, тупроқ склетлилиги, гипслашганлиги, шўрланиш ва шўртобланиш каби чегараловчи омиллар тупроқ унумдорлигига салбий таъсир этмаслиги асосланган;

яйлов тупроқларининг қатламлари қалинлиги ва хосса-хусусиятларига боғлиқ ҳолда суғориладиган ерлардаги каби экин турларини етиштириш, боғ-узумзор, ўрмон-мевали дарахтлар учун мақбул эканлиги исботланган;

сўнгги 40 йилда яйловда деградация жараёнлари кучайганлиги, чорва моллари емайдиган ўсимликлар улуши тоғ, тоғолди яйловларида 9-15% дан 15-25% гача, чўл яйловларида 10-15% дан 19-25% га кўпайганлиги асосланган;

тоғ, тоғолди ва чўл-яйловларида ўсимликлар ҳосилдорлиги ўртача 3,5 ц/га дан 2,8 ц/га га (-0,8 ц/га) камайганлиги, 1 та шартли мол боши сонига тўғри келадиган майдон улуши эса 20,6 гектардан 26,7 гектарга (+6,1) кўпайганлиги аниқланган;

Тошкент, Жиззах ва Сурхондарё вилоятлари тоғ ва тоғолди-яйловлари геоботаник жиҳатдан «ўрта», Бухоро вилояти чўл-яйловлари эса «паст» даражада баҳоланган;

атмосфера ёгинлари миқдори йилига 400 мм дан кўп тушадиган, тупроқ қатламлари мавжуд бўлган 2 млн 621 минг гектар яйлов ерларида қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш, боғ-узумзор, ўрмон-мевали дарахтларни барпо этиш мумкинлиги асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

«Ўзбекистоннинг табиий яйлов ва пичанзорларида геоботаник тадқиқотлар ўтказиш бўйича услубий қўлланма» ишлаб чиқилган;

«Water-box» сув йиғиш қурилмаси республика бўйича илк бор Жиззах вилояти Зомин туманида ва Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги тоғ, тоғолди яйлов ерларида ҳамда Бухоро вилояти Вобкент тумани чўл яйлов ерларида ташкил этилган пилот майдончаларда синовдан ўтказилган;

Республиканинг вилоят, туман, МФЙ, массив кесимида ердан фойдаланувчилар ва уларнинг контур чегараларини белгилаш, тупроқ сифати, қишлоқ хўжалиги экинлари экилиши, яйловлар геоботаникаси тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш ва ундан очиқ фойдаланиш мақсадида «Yer axborot tizimi «YAT» portalı» очиқ портал дастури яратилган;

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларнинг қишлоқ хўжалиги ерларини, жумладан, яйловларни норматив қийматини аниқлаш мақсадида «Қишлоқ хўжалигида товар ишлаб чиқарувчиларнинг қишлоқ хўжалиги экин ерларини норматив қийматини аниқлаш» дастури ишлаб чиқилган;

тоғ, тоғолди яйловларининг 1:25 000 ҳамда чўл-яйловларининг 1:100 000 масштабли ArcGIS дастурий таъминоти орқали электрон рақамли «Геоботаник харита»ларини яратилган;

яйлов ҳудудларининг тупроқ, геоботаник ва гидрометрологик маълумотлари асосида 1:750 000 масштабли «Ўзбекистон Республикаси тоғ, тоғолди ва чўл-яйлов ерларида қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш, боғ-узумзор, ўрмон-мевали дарахтларни барпо этиш мумкин бўлган ҳудудлар харитаси» ишлаб чиқилган;

республикамиз яйлов ҳудудларида қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш, боғ-узумзор, ўрмон-мевали дарахтларни барпо этишда вегетация даври учун сув билан тўлиқ таъмилаш имконини берувчи янги такомиллаштирилган 2 та ярим цилиндрли, жами 30 литр сув ҳажмга эга бўлган бир неча марта қўллашга мўлжалланган «Сув йиғиш қурилмаси» ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг аниқлиги дала-тажриба, лаборатория, камерал, кимёвий-аналитик, генетик-географик, картографик, солиштирма услубларда бажарилганлиги, уларни статистик таҳлил қилинганлиги, олинган натижаларни илмий асосланганлиги, иқтисодий баҳоланганлиги, фойдали моделга патент олинганлиги, амалиётда исботланганлиги ҳамда охири нашр этилган услубий кўрсатмалар ҳамда қўлланмалар асосида бажарилганлиги, электрон рақамли хариталар яратилганлиги, республика ва халқаро миқёсда ўтказилган илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган нуфузли хорижий ва республика илмий журналлари даврий нашрларида чоп этилганлиги ҳамда натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тоғ, тоғолди ва чўл-яйлов ерлари тупроқларининг унумдорлигини қиёсий баҳоланганлиги, тупроқ қатламлари қалинлиги ва хосса-хусусиятларига боғлиқ ҳолда суғориладиган ерлар каби экинларини етиштириш, боғ-узумзор, ўрмон-мевали дарахтлар учун мақбул эканлигини исботланганлиги, сўнгги 40 йилда яйловда деградация жараёнлари кучайганлиги, яйлов ўсимликлари тури ва ҳосилдорлиги камайганлиги, 1 та шартли мол боши сонига тўғри келадиган майдон улуши ўртача 6,1 гектарга кўпайганлигини аниқланганлиги; геоботаник баҳосига кўра тадқиқотлар олиб борилган тоғ ва тоғолди-яйловлари «ўрта», чўл-яйловлари эса «паст» даражада эканлиги, атмосфера ёғинлари миқдори йилига 400 мм дан кўп тушадиган, тупроқ қатламлари мавжуд бўлган 2 млн 621 минг гектар яйлов ерларида қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш, боғ-узумзор, ўрмон-мевали дарахтларни барпо этиш мумкинлиги илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, яйловларнинг электрон рақамли геоботаник хариталари, Ўзбекистон Республикаси тоғ, тоғолди ва чўл яйлов ерларида қишлоқ хўжалик экинларини ва мевали дарахтларни етиштириш мумкин бўлган ҳудудлар харитаси, услубий

қўлланма, «Yer axborot tizimi «YAT» portali» очик портал дастури ҳамда такомиллаштирилган «Сув йиғиш қурилмаси» яйлов ерлари деградациясини олдини олиш, маҳсулдорлигини ошириш ва улардан самарали фойдаланиш учун хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** «Яйлов ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари» бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Ўзбекистоннинг табиий яйлов ва пичанзорларида геоботаник тадқиқотлар ўтказиш бўйича услубий қўлланма»си ишлаб чиқилган ва республиканинг мавжуд 21,1 млн гектар яйловларида геоботаник тадқиқотларни ўтказиш учун амалиётга жорий этилган (Ер ресурслари геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2020 йил 7 сентябрдаги 02-05-77-48-сон маълумотномаси). Натижада, республиканинг яйлов ерлари кадастрининг юритилиши, яйлов ерларнинг меъёрий қийматини аниқлаш ҳамда яйловлардан самарали фойдаланишда илмий-услубий қўлланма сифатида хизмат қилган;

Тадқиқот объектларининг тоғ, тоғолди яйловларининг 1:25 000 ҳамда чўл-яйловларининг 1:100 000 масштаби электрон рақамли «Геоботаник харита»ларини яратилган ва амалиётга жорий этилган (Ер ресурслари геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2020 йил 7 сентябрдаги 02-05-77-48-сон маълумотномаси). Натижада, яйловларнинг аниқ ҳисобини юритиш, деградацияга учраган яйловлар майдонини аниқлаш, чорва молларини ротация усулида боқиш имконини берган, онлайн ер геопортали ([yer.geoport.uz](http://yer.geoport.uz))ни яратишда асос бўлиб хизмат қилган;

Янги такомиллаштирилган 2 та ярим цилиндрли, жами 30 литр сув ҳажмга эга бўлган бир неча марта қўллашга мўлжалланган «Сув йиғиш қурилмаси» ишлаб чиқилган ва Жиззах вилояти Зомин, Сурхондарё вилояти Шеробод туманларидаги тоғ, тоғолди яйлов ерларида ҳамда Бухоро вилояти Вобкент ва Бухоро туманлари чўл яйлов ерларида ташкил этилган пилот майдончаларда тажриба синовдан ўтказилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 19 июлдаги 02/022-3058-сон маълумотномаси). Натижада, табиий атмосфера ёғинлари сувларини йиғиш ва қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш, боғ-узумзор, ўрмон-мевали дарахтларни сув билан таъминлаш имконини берган;

«Yer axborot tizimi «YAT» portali» очик портал дастури яратилган ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигида амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 19 июлдаги 02/022-3058-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу очик порталда ҳужжатлар тизимини рақамлаштиришга эришилган ва шаффоф механизм яратилган, жумладан, республиканинг вилоят, туман, МФЙ, массив кесимида ердан фойдаланувчилар ва уларнинг контур чегараларини белгилаш, тупроқ сифати, қишлоқ хўжалиги экинлари экилиши, яйловлар геоботаникаси тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш ва ундан очик фойдаланишга имкон берган;

«Қишлоқ хўжалигида товар ишлаб чиқарувчиларнинг қишлоқ хўжалиги экин ерларини норматив қийматини аниқлаш» дастури ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигида амалиётга жорий

этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 19 июлдаги 02/022-3058-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу дастурий таъминот ер ресурсларини бошқариш, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган тезкор маълумотлар тақдим этишда қишлоқ хўжалигида товар ишлаб чиқарувчиларнинг қишлоқ хўжалиги экин ерларини норматив қийматини аниқлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари ҳар йили «Ўздаверлойиҳа» ДИЛИнинг илмий-техник кенгашида кўриб чиқилган ва ижобий баҳоланган, жумладан 4 та ҳалқаро (Бухоро, Фарғона ва Самарқанд шаҳарларида) ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган. Диссертация иши институтнинг илмий-техник кенгашида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш, шундан 1 та ихтирога муаллифлик гувоҳномаси, 2 та фойдали моделга патент ва 2 та дастурий таъминотга муаллифлик гувоҳномаси олинган, 1 та услубий қўлланма, 1 та услубий кўрсатма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан 11 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг асосий ҳажми 199 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотларнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Муаммони ўрганилганлик даражаси (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи боби тўрт қисмга бўлинган бўлиб, биринчи қисми 1.1-§.-«*Яйлов ерларидан фойдаланишнинг назарий асослари*» деб номланган бўлиб, унда яйловларнинг экологик-иқтисодий жараёнлардаги ўрни ва яйловлардан фойдаланиш бўйича олиб борилган илмий-амалий тадқиқотлар тўғрисида қисқача тарихий қиёсий маълумотлар таҳлили келтирилган.

Иккинчи қисми 1.2-§.-«*Яйлов ерларидан фойдаланиш бўйича чет эл тажрибалари*» деб номланиб, Марказий Осиё мамлакатларидаги яйловлардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар, жумладан «Яйловлар тўғрисида»ги қонунлар билан тартибга солинганлиги ва яйловлардан фойдаланиш бўйича амалга оширилган бир қатор ишлар тўғрисида қисқача таҳлилий маълумотлар

келтирилган. Россия давлатида маданий яйлов ерларини бошқаришда тупроқлар унумдорлигига қараб, уларнинг ҳосилдорлигини белгиланиши, АҚШ, Хитой ва бошқа ривожланган давлатларда эса замонавий услубларга асосланган яйловлар мониторинги тизими йўлга қўйилганлиги каби масалалар мушоҳада қилинган.

Учинчи қисми 1.3-§.-«*Яйлов ерларида турли агротехнологияларнинг қўлланилиши*» деб номланиб, Ўзбекистон яйловларининг ем-ҳашак ўсимликлари зарур даражада ўрганилганлиги эътироф этилган бўлиб, жумладан мамлакатимиз ҳудудидаги чўл ва адирларнинг ем-ҳашак ўсимликлари ҳамда яйловларига бағишланган дастлабки ва шу бугунги кунда амалга оширилаётган илмий ва амалий тадқиқотлар натижалари таҳлили асосли материаллар билан очиб берилган.

Мазкур бобнинг тўртинчи қисми эса 1.4-§.-«*Сув тежамкор технологиялар ва уларнинг қўлами*» деб номланиб, бугунги кунда мамлакатимизда нафақат суғориладиган, балки яйлов ерларида ҳам турли хил суғориш технологиялари қўлланилиб келинаётганлиги таҳлилий мушоҳада қилинган. Бироқ, мазкур технологиялар ўзининг афзалликлари билан бир қаторда маълум бир техник ва технологик ҳаёлатларни ҳам талаб этиши таъкидланган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон яйловларига иқлим ва антропоген омиллар таъсири**» иккинчи боби бешта бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлими 2.1-§.-«*Ўзбекистон яйловларининг географик ўрни ва ер фонди тўғрисидаги умумий маълумотлар*» деб номланган. Ўзбекистон Республикаси яйлов ер фонди ва у тўғрисидаги умумий маълумотлар асосли материаллар билан шарҳланган.

Мазкур бобнинг иккинчи бўлими ўрганилган объектнинг 2.2-§.-«*Геологик, геоморфологик ва литологик тузилиши*»га бағишланган бўлиб, Ўзбекистоннинг геологик ва ер усти тузилиши, ётқизиқлари характери тўғрисидаги маълумотлар геолог ва геоморфолог олимлар илмий маълумотлари, шунингдек, Ўзбекистон тупроқлари атласи асосида геоморфологик районлари қисқача таҳлилий мушоҳада қилинган.

2.3-§.-«*Иқлими*» деб номланган учинчи бўлимида, тадқиқот объектлари (Чирчиқ-Ангрен водийси, Мирзачўл воҳаси, Қашқадарё ҳавзаси, Зарафшон ва Сурхон-Шеробод водийси) ҳудудида кузатилган энг сўнгги кўп йиллик иқлим маълумотлари қиёсий жиҳатдан шарҳланган. Жумладан, А.Қ.Абдуллаев ва бошқалар бўйича [ 2016; 108-б.] республика яйловлар ҳудудлари «**илиқ**» (ҳарорат йиғиндиси 3100 дан 3500 °С гача), «**мўътадил илиқ**» (ҳароратлар йиғиндиси 2800 дан 3100 °С гача), «**салқин**» (ҳароратлар йиғиндиси 1000 дан 2800 °С гача) ва «**совуқ**» (ҳароратлар йиғиндиси 1100 °С дан кам) термик ресурсларига эга зоналарга тўғри келишини инобатга олган ҳолда, қисқа муддатда пишиб етиладиган қишлоқ хўжалик экинларини экиш ёки боғдорчилик, узумчилик йўналишларида фойдаланиш мумкинлиги асосланган.

Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология марказининг кўп йиллик ўртача иқлим маълумотларига кўра, ҳаво ҳароратининг кўп йиллик ўртача кўрсаткичлари Мирзачўл воҳасида +11+16°С, Чирчиқ-Ангрен ва Зарафшон

водийсида +14+16°C, Сурхон-Шеробод водийсида +14+19°C ни ташкил этиб, барча минтақалар бўйича абсолют максимал ҳаво ҳарорати кўрсаткичлари +39+42°C, Сурхон-Шеробод водийсида 43-45°C гача етади.

Республика миқёсида атмосфера ёғинларининг тушиши асосан куз, қиш ва баҳор ойларига тўғри келади, ёғинлар миқдори Чирчиқ-Ангрен водийсида – 301-614 мм, Мирзачўл воҳасида – 294-433 мм, Зарафшонда – 282-381 мм, Сурхон-Шеробод водийсида – 159-335 мм ни ташкил қилади. Энг кўп ёғин республикамизнинг тоғли қисмига, хусусан Ғарбий Тяньшань, Зарафшон ва Ҳисор тоғларига тушади, ўртача йиллик миқдори 550-900 мм, айрим жойларида 900 мм дан ортиқ тушади [Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди ва иқлими. <http://www.bekobod.uz>]. Атмосфера ёғинларининг бундай кескин фарқланиши тупроқ юза қатламининг турлича намланиш чуқурлигини белгилайди.

2.4-§.-«Ўсимликлар қоплами» деб номланган тўртинчи бўлимида, бир қатор яйлов ўсимликлари билан шуғулланган олимлар илмий манбалари қисқача шарҳлаган, антропоген омиллар таъсирини камайтиришда илмий асос бўлиши тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар билдирилган.

2.5-§.-«Яйловлар табиий ҳолатини ўзгаришида антропоген омиллар таъсири» деб номланган бўлимида олиб борилган тадқиқотлар жараёнида тадқиқот объектларида пайҳонланган ўсимлик қопламлари таркибида чорва моллари истеъмол қилмайдиган турларининг кўпайганлиги, аксинча ем-ҳашак ўсимликлар биомассаси камаяётганлиги аниқланган, антропоген омиллар таъсирида яйлов ерларида чўлланиш жараёни жадаллашганлиги асосланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот объектлари ва услублари**» деб номланган **учинчи боби 1 та қисмдан** иборат бўлиб, у 3.1-§.-«*Бажарилган дала, лаборатория ва кимёвий таҳлиллар шарҳи*» деб номланган. **Тадқиқот объекти сифатида** Ўзбекистоннинг тоғ, тоғолди ва чўл ҳудудларидаги яйловлари танланган. **Тадқиқот предмети асосини** табиий-антропоген жараёнлари таъсиридаги яйлов ерлар тупроқлари, ўсимликлари ва улардан самарали фойдаланиш масалалари ташкил этади. **Тадқиқотлар услуби асосини** амалиётда умумқабул қилинган услублар ташкил этади ва бажарилган барча дала, лаборатория ишлари ва кимёвий таҳлиллар турлари келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот натижалари**» деб номланган **тўртинчи боби 2 та қисмга** бўлинган, шундан, 4.1-§.-«*Тоғ, тоғолди ва чўл яйлов ерлари тупроқларининг морфогенетик хусусиятлари*» деб номланиб, тупроқларнинг морфогенетик хусусиятлари қиёсий таҳлили келтирилган.

#### **Тупроқ қатлам қалинлиги ва механик таркиби.**

*Тупроқ қатлами қалинлиги.* Тоғ ва тоғолди яйлов ерлари тупроқлари атмосфера ёғинлари таъсирида ривожланган. Бунда турли мураккаб рельеф шароитга боғлиқ ҳолда турли хил қалинликдаги морфогенезисга эга бўлган, юза жойлашган (0-30 см лик) ва 1,0-2,0 метр қалинликдаги турли табиий унумдорликка хос бўлган тупроқли қатламлар шаклланган (1-жадвал).

*А<sub>0</sub>-чимли қатлам қалинлиги* 2-10 см атрофида қайд қилиниб, оч тусли бўз тупроқларда 2-6 см гача, типик бўзда 2-7 см гача, тўқ тусли бўзда 2-8 см гача,

тоғ жигарранг тупроқларда 6-10 см гача эканлиги аниқланди. Ушбу ҳолат вертикаллик қонунияти билан бевосита боғлиқ.

*A<sub>1</sub>-чим ости қатлам қалинлиги* 13 см дан 53 см гача етиши кузатилиб, тоғ жигарранг тупроқларда 13-53 см, тўқ тусли бўз тупроқларда 20-46 см, типик бўз тупроқларда 43-51 см, оч тусли бўз тупроқларда 20-49 см гача етади. Ушбу ҳолат, тупроқ пайдо бўлиши жараёнида тупроқгрунтларнинг тўшалиши ва экспозициялар қиялиги билан чамбарчас боғлиқ.

Тупроқ механик таркиби.

*A<sub>0</sub>-чимли қатлами механик таркиби* тоғ жигарранг тупроқларда асосан оғир ва ўрта кумоқдан, тўқ тусли бўз тупроқларда ўрта кумоқдан, баъзан оғир кумоқли айирмалардан, типик бўз тупроқларда ҳам асосан ўрта кумоқдан, баъзан енгил кумоқдан, оч тусли бўз тупроқларда асосан енгил кумоқдан, айрим ҳолларда ўрта кумоқдан иборат эканлиги аниқланди.

*0-1 метрлик қатламида* ҳам худди шундай ҳолат кузатилади, бироқ, тоғ жигарранг тупроқларда оғир кумоқли механик таркиб устунлик қилади, буни тупроқ ҳосил бўлишидаги илланиш жараёни билан бевосита боғлиқ деб изоҳланади.

Умуман олганда, тоғ жигарранг, тўқ тусли бўз ва типик бўз тупроқларидаги мавжуд йирик чанг (0,05-0,01 мм) ва ўрта чанг (0,01-0,005 мм) заррачаларининг кўплиги (15,1-59,6%), атмосфера ёғинларини тупроқ аэрация зонасида яхши тутиб туриш имконини беради. Оч тусли бўз тупроқларда асосан йирик қум (>0,25 мм) ва ўрта қум (0,25-0,1 мм) заррачалари ҳисобига енгил кумоқли механик таркиб устунлик қилади.

**Тупроқ скелетлиги (тошлилиги)** тоғ жигарранг, тўқ тусли бўз ва типик бўз тупроқларда асосан 50-100 см, баъзан >100 см чуқурликдан бошланади, оч тусли бўз тупроқларда асосан >100 см чуқурликдан бошланади. Бироқ, Навоий вилояти тоғ жигарранг ва тўқ тусли бўз тупроқларида тошли қўшилмаларнинг жойлашиш чуқурлиги асосан 30-50 см ни ташкил этади. Ўрганилган барча тупроқлар кам скелетли ҳисобланади (1-жадвал).

**Тупроқ гипслилиги.** Барча яйлов ерлари тупроқлари амалда гипслашмаган ( $\text{CaSO}_4 \times 2\text{H}_2\text{O}$  – <10%). Яйлов ерлари тупроқ унумдорлигини чегараловчи омиллардан ҳисобланган тупроқ скелетлиги ва гипслашганлиги қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш ва дарахтлар барпо этишда таъсир кўрсатмайди.

**Яйлов ерлари тупроқларидаги озика моддалар миқдори (N, P, K).**

*Тоғ жигарранг тупроқларда* ҳаракатчан азот (N-NO<sub>3</sub>) миқдори Наманган, Қашқадарё, Сурхондарё ва Навоий вилоятларида «ўртача» (30-50 мг/кг), Тошкент ва Жиззах вилоятларида «юқори» (>60 мг/кг) даражада таъминланган. Ҳаракатчан фосфор (P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>) миқдори Навоий вилоятида «жуда кам» (<15 мг/кг), Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида «кам» (15-30 мг/кг), Сурхондарёда «ўртача» (30-45 мг/кг), Наманганда «баланд» (45-60 мг/кг), Тошкент ва Жиззах вилоятларида «юқори» (>60 мг/кг) даражада таъминланган (1-жадвал).

*Тўқ тусли бўз тупроқларда* ҳаракатчан азот (N-NO<sub>3</sub>) Тошкент, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларида «юқори» (>60 мг/кг), Наманган, Қашқадарё ва Навоий вилоятларида «ўртача» (30-50 мг/кг) даражада таъминланган.

Ҳаракатчан фосфор ( $P_2O_5$ ) миқдори Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида «кам», Тошкент, Жиззах, Самарқанд ва Навоий вилоятларида «ўртача», Наманганда «баланд» даражада таъминланган.

**Тоғ, тоғолди ва чўл яйловлари тупроқларининг морфогенетик хусусиятлари**

Т/р	Кўрсаткичлар
	Вилоятлар
0	00
1	А <sub>0</sub> - чим қатлам қалинлиги, см
2	А <sub>1</sub> - чим ости қатлам қалинлиги, см
3	А <sub>0</sub> - чим қатлам механик таркиби
4	0-1 қатлам механик таркиби (ўртача)
5	Склетлилиги ва гипслашганлиги
1	А <sub>0</sub> - чим қатлам қалинлиги, см
2	А <sub>1</sub> - чим ости қатлам қалинлиги, см
3	А <sub>0</sub> - чим қатлам механик таркиби
4	0-1 қатлам механик таркиби (ўртача)
5	Склетлилиги ва гипслашганлиги

Тоғ жигарранг тупроқлар							
Наманган	Тошкент	Жиззах	Самарқанд	Қашқадарё	Сурхондарё	Навой	Бухоро
1	2	3	4	5	6	7	8
6-7	5-8	6-9	5-7	8-10	6-8	6-8	-
23-26	22-29	28-35	13-27	42-45	35-40	43-53	-
Ўрта	Оғир	Оғир	Оғир	Ўрта	Ўрта	Ўрта	-
Оғир	Оғир	Оғир	Оғир	Оғир	Оғир	Оғир	-
Кам склетли, 50-100 см	Кам склетли, >100 см	Кам склетли, >100 см	Кам склетли, 50-100 см	Кам склетли, >100 см	Кам склетли, 50-100 см	Кам склетли, 30-50 см	-
Типик бўз тупроқлар							
4-6	3-5	4-6	6-7	4-5	2-4	4-5	-
30-32	21-26	25-30	23-27	25-34	25-30	4-51	-
Ўрта	Ўрта	Ўрта	Ўрта	Енгил	Ўрта	Енгил	-
Ўрта	Ўрта	Ўрта	Ўрта	Енгил	Ўрта	Енгил	-
Кам склетли, 50-100 см	Кам склетли, >100 см	Кам склетли, >100 см	Кам склетли, >100 см	Кам склетли, >100 см	Кам склетли, 50-100 см	Кам склетли, 50-100 см	-

Тўқ тусли бўз тупроқлар							
Наманган	Тошкент	Жиззах	Самарқанд	Қашқадарё	Сурхондарё	Навой	Бухоро
1	2	3	4	5	6	7	8
5-6	4-6	6-7	7-8	5-7	5-6	2-4	-
26-30	23-26	25-31	20-26	38-41	37-38	41-46	-
Ўрта	Оғир	Ўрта	Ўрта	Ўрта	Ўрта	Ўрта	-
Ўрта	Оғир	Оғир	Ўрта	Ўрта	Ўрта	Ўрта	-
Кам склетли, 50-100 см	Кам склетли, >100 см	Кам склетли, >100 см	Кам склетли, >100 см	Кам склетли, >100 см	Кам склетли, 50-100 см	Кам склетли, 30-50 см	-
Оч тусли бўз тупроқлар							
2-3	-	3-5	5-6	3-4	3-5	3-5	4-6
25-30	-	25-27	20-36	24-30	24-34	44-49	43-49
Енгил	-	Ўрта	Енгил	Енгил	Енгил	Енгил	Енгил
Енгил	-	Ўрта	Енгил	Енгил	Енгил	Енгил	Енгил
Кам склетли, 50-100 см	-	Кам склетли, 50-100 см	Кам склетли, >100 см	Кам склетли, >100 см	Кам склетли, >100 см	Кам склетли, >100 см	Кам склетли, >100 см

Типик ва оч тусли бўз тупроқларда ҳаракатчан азот билан «ўртача» (30-50 мг/кг) таъминланган гуруҳга мансуб эканлиги қайд қилинди. Ҳаракатчан фосфор ( $P_2O_5$ ) миқдори Навоий ва Бухоро вилоятида «жуда кам», Наманган ва Сурхондарё вилоятларида «кам», Жиззах, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида «ўртача» даражада таъминланган.

Ўрганилган яйлов ерлари тупроқларида ҳаракатчан калий ( $K_2O$ ) миқдори  $A_0$ -чим ва  $A_1$ -чим ости қатламлари «юқори» (>400 мг/кг) даражада таъминланган гуруҳга мансуб бўлиб, ушбу ҳолат бўз тупроқлар минтақаси учун характерли хусусият ҳисобланади (2-жадвал).

Демак, юқоридаги ҳолатлар барча тупроқ қатлами мавжуд яйловларда қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш ва боғ-узумзорлар барпо этиш мумкинлигини кўрсатади.

### **Яйлов ерлари тупроқларидаги гумуснинг миқдори.**

*Тоғ жигарранг тупроқлар* 0-1 метрлик қатламидаги гумуснинг улуши (%) ва захираси (т/га)нинг энг максимал кўрсаткичлари Наманган вилояти Поп тумани «Чодак» массивида 1,733-2,295% (242,7-321,3 т/га), энг минимал кўрсаткич Сурхондарё вилояти Шеробод тумани «Пошхурт» массивида 0,609-1,002% (85,2-140,3 т/га) атрофида эканлиги аниқланди (3-жадвал).

*Тўқ тусли тупроқларда* энг максимал кўрсаткичлар Тошкент вилояти Бўстонлик тумани «Қўшқўрғон» массивида 1,053-1,294% (147,4-181,1 т/га), энг минимал кўрсаткичлари Сурхондарё вилояти Шеробод тумани «Пошхурт» массивида 0,587-0,732% (82,1-102,5 т/га) атрофида эканлиги аниқланди.

*Типик бўз тупроқларда* энг максимал кўрсаткичлар Наманган вилояти Поп туманида «Чодак» массивида 0,720-1,006% (100,9-140,9 т/га), энг минимал кўрсаткичлари Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани «Деҳқонобод» массивида 0,342-0,570% (47,9-79,8 т/га) атрофида эканлиги аниқланди.

*Оч тусли бўз тупроқлар* устки қатламлардаги гумус миқдори Бухоро вилояти Ғиждувоний номли, Қашқадарё вилояти «Муборак», Сурхондарё вилояти С.Бойматов номли ва Наманган вилояти Поп туманида 0,365-0,461% дан 0,816-0,956% гача, Жиззах вилояти «Боғдон», Самарқанд вилояти «Саҳоба ота», Навоий вилояти Ш.Рашидов номли ва Бухоро вилояти Ф.Хўжаев номли массивларида 0,485-0,625% дан 1,070-1,215% гача бўлган миқдорларни ташкил этади (2-жадвал).

Умуман олганда, гумус миқдори ва захирасининг яйлов ерлари тупроқларида тақсимланишига маълум бир қонуниятга бўйсунгани ҳолда, республиканинг шимоли-шарқий минтақасидан жанубий томон камайиб бориши кузатилади. Ушбу ҳолатни (органик ҳолатни минерализацияланиши) республикамизнинг шимолий-шарқий ва марказий минтақаларига нисбатан жанубий қисмида иссиқ кунларнинг кўплиги ва ҳаво ҳароратининг юқорилиги билан бевосита боғлиқ бўлиб, тупроқ юзасида қанчалик кўп иссиқ ҳарорат кузатилса, у ерда биологик жараёнлар ҳам шунчалик тезлашади.

### **Яйлов ерлари тупроқларидаги тузлар миқдори.**

Ўрганилган яйлов ерлар 0-1 метрлик қатламидаги тузлар захираси гектарига 50 тоннадан ошмайди. Амалиётда қабул қилинган градация-шкалага (О.К.Комилов, А.У.Ахмедов, М.И.Рўзметов, 1998; 108-б., 2003; 25-б.) кўра, тупроқнинг устки 0-1 метрлик қатламида 0-50 тонна туз захиралари бўлган

тупроқлар «шўрланмаган», «тузлар захираси жуда кам» гуруҳига мансуб, мелиоратив ҳолати қулай ва унумдор тупроқлар тоифасига киради (3-жадвал).

Ўрганилган барча яйлов ерлари тупроқлари амалда шўртоблашмаган (сингдирилган Na – <5%). Фақат Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятлари оч тусли бўз тупроқлари қўйи қатламлари (<30 см)да кучсиз шўртобланиш жараёни (Na – 5-10%) мавжудлиги аниқланди (2-жадвал).

Тупроқ унумдорлигини чегараловчи омиллардан ҳисобланган тупроқ шўрланиши ва шўртобланиши жараёнлари қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш ва боғ-узумзорлар барпо этишда салбий таъсир кўрсатмайди.

4.2-§.-«Тоз, тоғолди ва чўл яйлов ерлари тупроқларининг унумдорлик ҳолати». Бугунги кунда умумқабул қилинган услубиётга асосан суғориладиган ва лалми ерлар тупроқларининг унумдорлигини баҳолаш ишлари ўтказилмоқда.

Яйловларни фойдаланишга киритиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумат томонидан сўнги йилларда қабул қилинган қарорларда давлат томонидан ажратиладиган субсидиялар миқдорини ҳисоблашда тупроқ балл бонитетига асосан аниқланиши белгилаб қўйилган. Бироқ, яйлов ерлари тупроқларининг унумдорлигини баҳолаш тизими мавжуд эмас.

Н.Ю.Абдурахмонов [2019; 69-б.]<sup>5</sup> томонидан таклиф этилган шкалага мувофиқ, республикадаги лалми ерларни амалий баҳолашда лалми ҳудудлар «ёғингарчилик билан таъминланган» (ёғин >400 мм), «ярим таъминланган» (300-400 мм) ва «таъминланмаган» (<300 мм) ерларга бўлиниши эътиборга олиниб, асосий шкала баллари тупроқларни генетик гуруҳларини ёғингарчилик билан таъминланиши бўйича ҳисоблаб чиқилган.

Яйлов ерларининг географик жойлашуви лалми ерлар билан бир хил эканлигидан келиб чиқиб, табиий унумдорликни баҳолаш бўйича лалми ерлар учун ишлаб чиқилган шкала асосида яйлов ерлари баҳоланди (3-жадвал).

*Тоз жигарранг тупроқлар.* Поп тумани «Чодак» массиви ва Зомин тумани «Зомин» кўрикхонаси тупроқлари – 58 баллга, Бўстонлик тумани «Бурчмулла» массиви тупроқлари – 55 баллга, Китоб тумани «Варганза» массиви тупроқлари – 47 баллга, Нуробод тумани «Сазағон» массиви тупроқлари – 44 баллга, Шеробод тумани «Пошхурт» массиви тупроқлари – 41 баллга, Нурота тумани Ш.Рашидов номли массив тупроқлари эса 36 баллга тенг эканлиги аниқланди.

